



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**405 Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни му-  
хофаза қилиш қоидаларининг 22-бандига ўзгартириш  
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957-1*

*(2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 апрелдаги 13-4/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1957, 2009 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 247-модда) билан тасдиқланган Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланганидан ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси ва «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 27 октябрь,  
179-Б-сон

## Келишилди:

- Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси* **Д. ЖАҲОНГИРОВА**  
2010 йил 20 октябрь
- Ички ишлар вазири* **Б. МАТЛЮБОВ**  
2010 йил 20 октябрь
- Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси* **Б. ХОДЖАЕВ**  
2010 йил 20 октябрь
- Соғлиқни сақлаш вазири* **А. ИКРАМОВ**  
2010 йил 20 октябрь
- «Ўздавэнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи* **А. НИМАТУЛЛАЕВ**  
2010 йил 20 октябрь
- «Саноатгеоконтехназорат»  
Давлат инспекцияси  
бошлиғи ўринбосари* **А. ЮНУСОВ**  
2010 йил 20 октябрь
- «Ёғ-мой ва озиқ-овқат  
саноати» уюшмаси раиси* **Р. БЎРИЕВ**  
2010 йил 20 октябрь